ЛАКУНА ЛИНГВОМАДАНИЙ ҲОДИСА СИФАТИДА

Н.Т.Досбаева

Мақолада лакуна тушунчаси, унинг таснифи ҳамда маданиятлараро мулоқот жараёнида намоён бўлиш ҳолатлари тўғрисида фикр юритилган. Шунингдек, инглиз ва ўзбек тиллари қиёси мисолида уларнинг таржимасида мутаносибликка эришиш масаласига урғу берилган.

***Калит сўзлар**: лакуна, муқобилсиз лексика, маданиятлараро мулоқот, нисбий лакуналар, миллий концептосфера, константа.*

В статье рассматривается понятие «лакуна», классификация лакун и их выявление в процессе межкультурной коммуникации. Также уделяется особое внимание эквивалентности перевода на примере сопоставления английского и узбекского языков.

***Ключевые слова**: лакуна, безэквивалентная лексика, межкультурная коммуникация, относительные лакуны, национальная концептосфера, константа*

The notion of lacuna, its classification and cases of delineation in the process of intercultural communication are considered in this article. Also a special attention is paid to adequacy in translation by the example of comparing the English and Uzbek languages.

***Key words**: lacuna, in equivalent vocabulary, intercultural communication, relative lacunas, national concept sphere, constant.*

Тиллар ва маданиятлар ўртасидаги тафовутлар ҳақида фикр юритилар экан, тор ва кенг маъноларда қўлланадиган «лакуна» тушунчасини кўриб чиқиш биринчи навбатдаги масалалар қаторида туради. Чунки икки тил ва маданият ўртасидаги фарқ айнан лакуналар мисолида яққол намоён бўлади.

«Лакуна» термини тор маънода ишлатилганда, у ёки бу тушунчани англатиш учун тилнинг луғавий таркибида керакли сўзнинг мавжуд эмаслиги назарда тутилади. Ю.С.Степанов таъбири билан айтганда, лакуналар тилнинг семантик харитасидаги «оқ доғлар» ёки бўшлиқлардир [3.120]. Улар ҳар бир тилда мавжуд бўлиб, ички тузилмада сезилмайдиган, лекин таққослаш жараёнида ажралиб кўринадиган бирликлардир. С.Степанов мутлақ ва нисбий лакуналарни фарқлашни таклиф этади.

Мутлақ лакуналар таржима луғатларида намоён бўлиб, маълум тилда эквивалентига эга бўлмаган сўзлар сифатида тушунилади. Бошқача айтганда, бир тилда мавжуд бўлган лексик бирликнинг иккинчи тилда йўқлигидир. Мутлақ лакуналарнинг маъно-мазмунини фақат тасвирий йўл билан ифодалаш мумкин. Масалан, ўзбек тилида кун қисмларининг азон, пешин, шом, хуфтон сингари сўзлар билан ифодаланиши (пешингача ухлади, шом бўлмай уйда бўлди, азонда чиқиб кетиб хуфтонда кириб келди) инглиз тили учун мутлақ лакуналар ҳисобланади.

Нисбий лакуналар – тилда камдан-кам, алоҳида ҳолатларда ишлатиладиган сўзлардир. Инглиз тили учун нисбий лакуналар сифатида «болажон қалб, ён қўшни - жон қўшни» сингари тушунчаларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Лакуналарнинг мутлақ ва нисбий турларга бўлиб ўрганилиши кўплаб тадқиқотчилар томонидан қўллаб-қувватланади. Лекин бунга қаршилар ҳам йўқ эмас. Д.Б.Гудков фикрича, «нисбий лакуна» терминининг ўзи муваффақиятли чиқмаган. Чунки, унингча, «нисбий бўшлиқнинг ўзи мавжуд эмас» [2.79].

Кенг маънода «лакуна» термини нафақат тилларни, балки маданиятнинг бошқа жиҳатларини қиёслашда ҳам ишлатилади. Ю.С.Степановнинг таърифига бироз ўзгартириш киритган ҳолда тадқиқотчилар лакуналарни миллий онг мавжудлигининг воситалари бўлмиш тилнинг, матннинг ёки маданиятнинг семантик харитасидаги «оқ доғлар», бўшлиқлар сифатида таърифлашни тавсия этадилар. Лакуналар, шунингдек, маданиятлараро мулоқот шароитида ўз ўрнига эга бўлган қиёслашда ҳам юзага чиқади. И.В.Томашева «маълум маданият эгалари тилида ўзининг уйғун аксини топган ва бошқа тил ҳамда маданият эгалари томонидан мулоқот жараёнида батамом тушунилмайдиган ёки қисман тушунилмайдиган маданиятнинг миллий ўзига хос элементлари»ни лакуналар деб атайди [5.49]. Умумий маънода лакуналар бир маданиятда бор ва иккинчисида йўқ бўлган тушунчаларни қайд қилади, аниқроғи, улар тил ва маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари ишорасидир. Тил лакуналаридан айри тарзда, культурологик (маданий) лакуналар ҳам ажратиб кўрсатилади. Ушбу ёндашув мақсадга мувофиқ ва методологик жиҳатдан ўзини оқлаган ҳисобланади, чунки, бир томондан, «лакуна» тушунчасининг бундай кенг талқин қилиниши тил ва маданият ўртасидаги реал боғлиқликка таянса, иккинчи томондан, тил ва маданият ўртасидаги айрим боғлиқлик шаклларини аниқ белгилаб олишга кўмаклашади. Ажратиб кўрсатилган фарқ ва асослардан келиб чиққан ҳолда лакуналарни турлича таснифлаш таклиф қилинади. Этнопсихолингвистикада уларнинг қуйидаги типлари кўрсатилади: тил лакуналари (лексик, стилистик ва грамматик), культурологик лакуналар (этнографик, психологик, яшаш тарзи, кинесик), матн лакуналари.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, инглиз ва ўзбек тиллари қиёсланадиган бўлса, инглиз тили учун лексик лакуналарга мисол қилиб ўзбек тилидаги вақтга ишора қилувчи азон, шом, пешин сингари сўзларни олиш мумкин. Инглиз тили учун ўзбек тилидаги феълга қўшиладиган шева қўшимчалари грамматик лакуна бўлади. Таққосланаётган тилларнинг бирида ўхшаш стилистик бўёқдорликка эга сўзнинг йўқлиги стилистик лакунага мисол бўла олади. Масалан, ўзбек тилидаги юзни ифодаловчи «ораз» ёки чиройли қоматга ишора қилувчи «сарв» сўзлари инглиз тили учун стилистик лакуналар ҳисобланади.

Этнографик лакуналар тилдан ташқари муҳит билан бевосита боғлиқ бўлиб, уларнинг мавжудлиги бир маданиятдаги реалияларнинг иккинчи маданиятда йўқлиги билан изоҳланади. Масалан, инглиз тили учун «соч пилик», «тиллақош» сингари ўзбекона тушунчалар этнографик лакуналар ҳисобланади. Этнографик лакуналар лингвистик ва экстралингвистик муҳитлар ўртасидан жой эгаллагани учун, айрим тадқиқотчилар уларни культурологик эмас, лингвокультурологик ҳодиса деб аташни таклиф қиладилар. Шундай қараш бизнингча ҳам тўғри.

Лакуналарнинг бошқа типлари ва таснифлари ҳам бор. Тил тизимидаги мансублигига кўра лакуналар тиллараро ва бир тил тизимига хос бўлган турларга бўлинади. Тиллараро лакуналар турли тилларни қиёслаганда, улардан бирида бошқа тилдаги бирликка мос лексик эквивалент топилмаганда аниқланади. Бир тилга мансуб лакуналар бир тил парадигмаси ичида аниқланади. Масалан, қарама-қарши маъносига эга сўзнинг йўқлиги ёки сўзнинг бирор-бир морфологик шаклининг мавжуд эмаслиги ва бошқалар.

Тиллараро лакуналар асосланган ва асосланмаган каби турларга бўлинади. Асосланган лакуналар миллий маданиятда тегишли нарса ёки ҳодисанинг мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Асосланмаган лакуналар эса нарса ёки ҳодисанинг мавжуд эмаслиги билан изоҳлана олмайди: маданиятда улар мавжуд, лекин уларни атайдиган сўзлар йўқ. Масалан, «соч пилик» «тиллақош» инглиз тилида асосланган лакуналар ҳисобланади, чунки бу сўзлар инглиз маданиятига хос бўлмаган реалиялардир. «Пешин», «шом» сўзлари эса асосланмаган лакуналар дейилади.

Л.Богдановнинг таъкидлашича, «лакуналар ҳақида гапирилар экан, бошқа тил билан қиёсланганда берилган тилдаги сўзнинг мавжуд эмаслиги ҳамма вақт ҳам ўша тилдаги сўзларнинг етишмаслигидан далолат бермайди» [4.29]. Гап маълум тушунчаларнинг жамиятда қанчалик талабда эканлигидадир. Бир томондан олиб қаралганда, айнан лакуналар бир маданият учун муҳим ва бошқаси учун муҳим бўлмаган тушунчаларни белгилашда асосий ролни ўйнайди. Бундан келиб чиқадики, нафақат тилдаги мавжуд тушунча, балки унда йўқ тушунча ҳам бирор ҳодиса ҳақида маълумот бера олар экан.

Бадиий таржимада лингвомаданий лакуналар масаласи алоҳида аҳамиятга эга. Лингвомаданий лакуналар бир тилда мавжуд маданий маънога эга лексик бирликнинг бошқа тилда мавжуд эмаслигини кўрсатади. Маданий маъно деганда сўзда қайд этилган маданият компонентлари тушунилади. Лакуналарни ўрганар эканмиз, деярли ҳар доим, эквивалентсиз лексикага дуч келамиз ва бу тасодиф эмас. Бир тилда бўла туриб, иккинчи тилда ўша бирликнинг йўқлиги иккинчи тил учун лакуна ҳисобланса, худди шу вақтнинг ўзида иккинчи тилдаги мавжуд бирлик биринчи тилга нисбатан эквивалентсиз бўлиб чиқади. Эквивалентсиз бирликлар ва лакуналар доимо «жуфтликда юради», аниқроғи, агар бир тилда лакуна бўлса, қиёсланаётган тилда у эквивалентсиз бирлик деб номланади ёки аксинча. Аслида, лакуна ва эквивалентсиз лексика бир хил ҳодисани турли нуқтаи назардан ўрганади, деса бўлади: лакуна деганда А тилдаги у ёки бу бирликнинг мавжуд эмаслигига эътибор қаратилса, эквивалентсиз лексикада унинг В тилидаги мавжудлиги ва А тил билан боғлиқлик жиҳатига аҳамият берилади.

Концептуал лакуналарнинг бир тури ёки тор маънодаги концептуал лакуналар сифатида бир маданиятда мавжуд бўлган ва бошқасида бутунлай йўқ ёки қисман йўқ бўлган маданий концептлар тушунилади. Ю.С.Степанов маданий концептлар сирасида «константлар» тушунчасини қўллайди, яъни константларга энг муқим, асосий маданий концептлар сифатида қаралади. Мулоқотга киришган икки маданиятнинг айрим маданий концептлари бир-бирига эквивалент, яна айримлари қисман эквивалент, айримлари эса маълум маданият учун ўта специфик бўлади. Масалан, англосакс маданиятида протестант ғоялари натижасида дунёга келган challenge, positive концептлари константлар ҳисобланади. Challenge тушунчасига The Longman Dictionary of Contemporary English луғатида қуйидагича таъриф берилади:

Something that tests strength, skill, or ability, especially in a way that is interesting – куч, маҳорат ёки қобилиятни қизиқарли бўлган усулда синайдиган нимадир. 2. When someone refuses to accept that someone or something is right and legal. – Кимдир ёки нимадир тўғри ёки қонуний эканлигини тан олишдан бош тортилса.

«АҚШ ҳаёти ва маданияти» луғатида «challenge» концептига қуйидагича таъриф берилади: «1. топшириқ 2. муаммо, қийинчилик 3. синов 4. чақириқ. Ушбу сўз америкача миллий характерни тушунишда асосий тушунчалардан бири ҳисобланади; ўзини синашда жасорат, шижоат, таваккал қилишга ҳозирлик, авантюра ҳисси, рақобатга интилиш сингари ҳолатларни ифодалайди»[6.69].

Ўзбек тилида бундай мазмунга эга концептнинг мавжуд эмаслиги икки қиёсланаётган тил менталитетидаги фарқдан дарак беради ва ушбу концепт ўзбек тилига контекстдаги қўлланиш мақсадидан келиб чиққан ҳолда таржима қилинади. Ёки яна бир мисол. Positive – протестант маданияти концепти

бўлиб, ўзида жамики ғояларнинг ижобий томонларини акс эттиради ва уни қисқа шаклда «you can do it» (сен буни қила оласан) формуласи орқали изоҳласа бўлади. Яна The Longman Dictionary of Contemporary English луғатига мурожаат қиламиз: if you are positive about things, you are hopeful and confident, and think about what is good in a situation rather than what is bad – агар сиз атрофга нисбатан ижобий бўлсангиз, сиз умидвор ва ишончингиз комилдир ва маълум вазиятда ёмон нарсаларни ўйлагандан кўра яхши нарсалар ҳақида ўйлайсиз. «АҚШ ҳаёти ва маданияти» луғатида «ижобий фикрлаш»га (positive thinking) алоҳида урғу берилади (Н.Пилнинг «Ижобий фикрлаш қуввати» китоби таърифи) ва ушбу концепт инглиз-америка тафаккур тарзининг асосий қоидалари қаторида мустаҳкам жой олган. Ўзбек концептуал манзарасида бу тушунчанинг мавжуд эмаслиги унинг шаклини турли усуллар билан етказиб берилишига тўсқинлик қила олмайди, бироқ, барибир, концепт ўзбек тили учун лакуна бўлиб қолади.

Маданий лакуналарнинг мавжудлиги у ёки бу лингвомаданий элатнинг тарихий ва маданий мероси акси билан изоҳланади. Бошқача айтганда, маданий лакуналар бир тил ёки маданият эгаларининг санъат, адабиёт, тарихий воқеалар ҳақидаги билимининг бошқа тил эгаларига бегоналигидир. Маданий фонд лакуналари мулоқот жараёнида прецедент матнлардан фойдаланиш жараёнида юзага чиқади. Прецедент матнлар деганда, қайсидир шахс учун муҳим бўлган ёки маълум жамият вакиллари ва уларнинг замондошлари учун ўта шахсий характерга эга бўлган матнлар тушунилади. Масалан, ўзбек кинофильмларидан олинган «Нечта қўй олдингиз», «маҳаллада дув-дув гап бўлди» сингари иборалар, ёки киноя тарзида ишлатиладиган «Эсимда ўша дамлар, ўзи учар гиламлар» сингари шеърий сатрлар маданий фонд лакуналари ҳисобланади. Когнитив лакуналар тури бўлмиш маданий фонд лакуналари ўз навбатида мулоқотдаги амалиёт туфайли лексик ва фразеологик лакуналарнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Қуйидаги икки ҳолат маданий фонд лакуналарига мисол бўла олади. Нью-Йоркдаги Бруклин ва Манхеттен ҳудудларини бирлаштириб турувчи Brooklyn Bridge – Бруклин осма кўприги 19-асрнинг охирида барпо этилган машҳур архитектура иншооти бўлиб, унинг сотилиши билан боғлиқ кўплаб мақол-маталлар тўқилган (кўприк давлат мулки бўлгани учун уни сотиб бўлмайди). «Бруклин кўпригини сота оладиган одам» деб кучли ишонтириш қобилиятига эга шахсга нисбатан айтилса, «Бруклин кўпригини сотишга уринаётган одам» – фирибгар, «кўприкни сотиб олишга рози бўлган одам» – ишонувчан аҳмоқдир [6.53].

Американинг Миссури штати аҳолисига умумий қилиб «ишонтириш қийин бўлган одамлар» деб тавсиф берилади. «Show-Me State» («Менга кўрсат» штати) ёки «I'm from Missouri» («Мен Миссуриданман» – «ишонмайман, исботла») иборалари тарихига мурожаат қилсак, унинг илдизлари аср бошига бориб тақалишини кўрамиз. Миссури штатидан конгрессмен В.Вэндивер банкет маросимида «Баландпарвоз гапларга ишонмайман. Мен Миссуриданман. Менга исботлаб беринг» дейди [6.190]. Ушбу воқеа туфайли миссуриликлар шундай лақаб эгаларига айланганлар.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек, нафақат эквивалентсиз лексика, балки қисман эквивалентлар ҳам таржима учун ўзига хос муаммолар келтириб чиқаради, чунки сўз ёки ибора мутаносиблиги алдоқчи, ўзига хос хусусиятлари эса яширин характерга эгадир. Семантикадаги бундай тафовутлар, одатда, аксиологик компонент билан боғлиқ бўлади. Лакуналар ва шу қаторда, улар билан корреляция муносабатларида бўлган эквивалентсиз лексика ҳам тиллар ва маданиятларни қиёслаганда юзага чиқади ва улар ўзига хослик фиксаторлари ҳисобланади. Лакуналарни чуқур ўрганиб таҳлил қилиш тили ўрганилаётган халқнинг маданияти, шу жумладан, унинг менталитети ҳақида янги билимлар олишга кўмаклашади. Бу эса, ўз навбатида, таржима жараёнини енгиллаштиришга ҳамда аслият шакл ва мазмун бирлигини таржимада сақлаб қолишга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Марковина И.Ю., Сорокин Ю.А. Культура и текст. Введение в лакунологию: Учеб. по-собие. - М.: ГЭОТАР-Медиа, 2010.

2. Гудков Д.Б.Теория и практика межкультурной коммуникации. - М.: Гнозис, 2003.

3. Степанов Ю.С.Французская стилистика. - М., 1965.

4. Богданова Л.И.Проблема лакун в процессе взаимодействия языков и культур // Humaniora: Lingua russica. Труды по русской и славянской филологии. Лингвистика IX. Взаимодействие языков и языковых единиц.- Tartu, 2006.- С. 27-37.

5. Томашева И.В. Понятие «лакуна» в современной лингвистике. Эмотивные лакуны // Язык и эмоции. - Волгоград: Перемена, 1995. - С. 50-60.

6. Жизнь и культура США: Лингвострановедческий словарь. - Волгоград: Станица-2, 1998.

Наманган муҳандислик-қурилиш институти,
2017 йил 21 январда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Инамова)